



БУХОРОНИНГ КАТТА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИШ ОРҚАЛИ ОДАМЛАРГА МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИБ, ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ — АСОСИЙ ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 май – 1 июнь кунлари Бухоро вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи кунги Ёрғиш туманида Бухоро вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Президент Шавкат Мирзиёев сўзининг бошида ҳудуддаги ўзгаришларни қайд этди.

Сўнгги йилларда вилоят иқтисодиёти 1,5 баробар ўсиб, 53 триллион сўмдан ошган, аҳоли жон бошига 26 миллион сўмни ташкил этган. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатишда 4 минг 600 та корхона ташкил этилиб, 90 мингта иш ўрни яратилган. Экспорт 215 миллион долларга етган. Қорақўл, Жондор, Шофиркон ва Когон туманларининг ҳар бирида саноат ҳажми йилга 1 триллион сўмдан ошган.

— Иқтисодиётни изчил ривожлантириб, яна иш жойлари очиб, ёшларни билимли ва касбни қилиш бўйича ҳали кўп ишлаш керак. “Оёғимиз остида” имкониятлар турибди. Улардан фойдаланиб, 544 та маҳалладаги 2 миллиондан зиёд аҳолининг шароитини янада яхшилаш зарур. Бунинг учун ҳар бир тизим ҳар кун меҳнат қилиши, изланиши керак, — деди Президент.

Ишсиз, кам даромадли ва чет элда қийинчиликка учраган одамларга муносиб шароит яратиш, ишли қилиш ҳоқимлар ва сектор раҳбарлари учун стратегик вазифа экани таъкидланди.

Шу бонс, Бухорода бу йил кичик бизнесга 5,9 триллион сўмга қўшимча яна 2,1 триллион сўм кредит берилиши айтилди. Бухородаги кичик бизнес, туризм ва сервис учун яна 100 миллион доллар алоҳида ажратилади. Булар орқали июнь-декабрь ойларида 78 минг аҳолининг бандлигини таъминлаш мумкин.

Одамларни ишли қилдиган катта имконият саноат зоналарида. Когон туманида минг гектарда йирик саноат мажмуаси барпо этилмоқда. Биринчи босқичда 300 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилади. Бу вилоят иқтисодиётига йилга 250 миллион доллар қўшилган қиймат, 2 мингта иш ўрни, 250 миллион сўм солиқ тушуми ва 100 миллион доллар экспорт беради.

Электр техникаси тармоғида бу йил Бухоро шаҳри ва Қоровулбозорда 50 миллион долларлик 3 та йирик қувват ишга тушади. Темир-бетон маҳсулотлари чиқарадиган завод қурилади. Бухоронинг тарихий қисмида заргарлик маркази ташкил этилади.

Инвестиция лойиҳалари инфратузилмасига 200 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Натيجада 405 миллион долларлик 5 та лойиҳанинг ишга тушиши тезлашади.

Масалан, Бухоро туманидаги нефть-кимё кластерида бензол, олефин, ароматик углеводород, нафтадан пентан ва гексан эриткичлари ишлаб чиқарилади. 4,5 триллион сўмлик

қўшилган қиймат, 130 миллион доллар экспорт тушуми ва 600 та юқори даромадли иш ўрни очилади.

Вилоят саноат корхоналарининг кооперация харидларидаги ўрни камлиги кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга ишлаб чиқарувчиларнинг давлат харидидаги иштирокини кенгайтириш бўйича топшириқ берилди. Шу мақсадда Кооперация порталида ҳақиқий ишлаб чиқарувчилар қатнашадиган тартиб қилиниб, корхоналар реестри ва йиллик қуввати янгилаб борилади.

Бухорода йилига 5 миллион хорижий сайёҳни жалб этиш учун шароит яратилмоқда. Шаҳар марказида Боқий Бухоро маданий этнографик парки ва янги аэропорт қурилиши бошланди. Шу билан бирга, вилоятдаги 30 та тарихий ёдгорлиқни таъмирлаш бўйича кўрсатма берилди. Зарафшон дарёси бўйида сайилгоҳ ташкил қилиш, Тўдакўл сув ҳавзаси бўйида дам олиш масканларини кўпайтириш зарурлиги айтилди.

Ҳукуматта улуг аждодларимиз бой меросини чуқур ўрганиш, обидалар атрофида туризм контентини кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Вилоятда ип-калаванинг 57 фоизи мато қилинмапти, қолгани хомашё шаклида 4 баробар арзон сотилапти.

Ёки вилоятда 1 миллион 200 минг тонна мева-сабзавот етиштирилса-да, экспорти кўп эмас. Сабаби — мева-сабзавотларни сотиш жойлари ҳал қилинмаган, уларни қадоқлаш тизими йўқ.

Қорақўл эркин иқтисодий зонасининг 30 гектарда технопарк ташкил қилиб, мазкур тармоқлардаги корхоналарни жойлаштириш бўйича кўрсатма берилди. Хусусан, бинолар аралаш газлама ва бўёқ хонага мослаб қурилади, чет эллик ва маҳаллий ҳамкорларга қўлай шартларда тайёр ҳолда топширилади. Бу бир йилда тўлиқ қайта ишлаш тизимига ўтиб, экспортни икки баробар оширишга туртки беради.

Россиянинг Нижегород вилояти ва Пенза шаҳрида Бухоро вилоятининг бозорлари барпо этилади.

Ирригация масалаларига тўхталар экан, вилоятда сув етказиш харажати 87 фоизи электр энергиясига тўғри келаётгани қайд этилди. Насослар энергетикасига алмаштирилса, йилга камида 400 миллиард сўмни иқтисод қилиш мумкинлиги айтилди.

Давлатимиз раҳбари йилги Ёрғиш туманида бўлаётганига эътибор қаратиб, гиждувонликларнинг ишбилармонлигини таъкидлади. Сўнгги йилларда туман саноати 2 қарра ўсиб, 2 триллион сўмдан ошган. Шу вақтда 2 мингдан зиёд янги тадбиркор иш

бошлаган. Бу суръатни давом эттирган ҳолда тадбиркорларни экспортга йўналтириш, хондонлардаги кичик ишлаб чиқаришларни “соядан” чиқариш, ёшларга касб ўргатиш, замонавий шифохона қуриш вазифалари белгиланди.

Гиждувонлик тадбиркорлар 10-11-синф ўқувчилари ва коллеж талабаларига дарсдан сўнг касб ўргатиб, 2 миллион сўмгача ойлик тўлаш, бепул тушлик ва текин автобус билан таъминлаш таклифини билдирган. Президент бу таклифни маъқуллаб, хайрли тажрибага айлантириш кераклигини таъкидлади. Умуман, Гиждувоннинг ўзида 25 минг иш ўрни, қўшимча 50 миллион доллар экспорт имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Йилгида ҳоқимлар ва сектор раҳбарларининг ахбороти, тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев “Гиждувон ипак тола” корхонаси фаолияти билан танишди.

Мамлакатимиз ипак саноатида ҳам кластер тизими жорий этилди. Жумладан, 74 та пилла-ипакчилик кластери ва 11 та уруғчилик корхонаси ташкил қилинди. Тўт май-гектарлари 40 минг гектардан 55 минг гектарга кенгайди. Буларнинг натижасида пилла етиштириш ҳажми 2,5 баробар, ипак маҳсулоти экспорти 3 баробар кўпайди.

“Гиждувон ипак тола”да ҳам кластер тизими йўлга қўйилиб, йилга 48 тонна хом ипак ва 28 тонна ипак момига ишлаб чиқариш қуввати яратилган. Унга Гиждувон ва Шофиркон туманлари бириктирилган бўлиб, озуқа базаси учун ўтган йили 2 миллион 300 минг туп тут қўчатлари экилган. Икки туманда 28 минг нафар аҳоли иш билан таъминланган.

Корхонада пилла хомашёси тўлиқ қайта ишланади. Жорий йил икки марта ҳосил олиниб, 842 тонна пилла хомашёси етиштирилди. Бу 104 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 4 миллион доллардан зиёд экспорт қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари пилла қуртхонаси ва ҳосилини кўздан кечирди. Пилла генетикусини ривожлантириб, сифат тоифасини ошириш, кластерлар фаолиятига илмни олиб кириш зарурлигини таъкидлади. Намунали кластерларда бошқа пиллакорларни ўқитиб, илгор технологияларни оммалаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

Эрталаб ишга шошиб келаётиб баъзида йўлда кўзи ожиз ёки таянч-ҳаракат тизими муаммоси туфайли ҳассасга таяниб кетаётган ёхуд аравачада ҳаракатланаётганларни учратамиз. Шунда инсонийлик нуқтаи назаридан уларга ҳамроҳлик қилиб узоғини яқинлаштиришга чоғланамиз: аравачасини автобуга чиқариш ёки тушириш, йўллардан ўтиш, метрога тушишда кўмак берган бўламиз. Шу билан уларнинг олдида бурчимизни бажаргандек ҳис қилиб, кўнглимиз бир оз таскин топади ва йўлимизда давом этамиз.

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ МАҚОМИ МАСЪУЛИЯТИ

Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қандай таъминланяпти?



Аслида, ногиронлиги бўлган шахсларга шу эътиборимиз етарлими ёки уларга ачиниш ҳисси билан ёндашиш тўғрими? Бундайлар жамиятнинг соғлом аъзолари билан бир сафда, орзу-ниятга, интилишларини рўёбга чиқариш имконига эга бўлиши учун зиммамизда яна қандай бурч ва вазифалар бор? Бу саволлар ҳақида доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Аммо бугун ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси билан боғлиқ жараёнлар жаҳон ҳамжамиятини тобора кўпроқ ташвишга солаётгани масалага янгича нигоҳ билан қарашни тақозо этаётир.

▶ Давоми 3-бетда

Миллат фидойилари

Ҳақиқ ўзими: “ЮРТ ОБРЎСИН ЁШЛАР САҚЛАР”



6

Муносабат

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚЛИК ЗАРУРАТИ

ХАЛҚИМИЗНИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда иқтисодийет барқарорлигини таъминлаш бўйича қўрилаётган тизимли чоралар самара бермоқда. Жумладан, Статистика агентлиги маълумотида кўра, 2024 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 242,7 триллион сўмни ташкил этиб, 6,2 фоиз ўсган. Бунда хизматлар (14,2 фоиз), чакана савдо товар айланмаси (9,3 фоиз), қурилиш (6,8 фоиз), sanoat маҳсулотлари (6,5 фоиз) йўналишлари билан бирга экспорт ҳажми 6,4 миллиард долларга етиб, 10 фоиз ўсиш қузатилган.

Эндашувларни жорий этиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2021 йил июндаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқаруви тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги негизда Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ташкил этилди.

Соҳани замон талабига мос ислоҳ қилиш мақсадида қўрилган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда 12 мингта стандарт қабул қилинди, 400 турдаги маҳсулотни синондан ўтказиш йўлга қўйилди. Натижада 40 та янги экспорт бозорига чиқилди. Шу билан бирга, охири етти йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2,5 баробар ошди, 63 миллиард долларга етди. Бу йил ҳам экспортни 1,5 баробар кўпайтириб, 25 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, истиқболда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш мақсад қилинган.

Тақдиротда агентликини тўғридан тўғри ҳукумат бўйсунувига ўтказиш, амалдаги техник тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг экспортга кўмаклашиш ва ички бозорни сифатсиз товарлардан ҳимоя қилишдаги иштирокини мустаҳкамлаш бўйича вазифалар белгиланди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбарининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар

тўғрисида”ги фармони ҳамда “Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Бугун агентлик мазкур ҳуқуқий-меъорий ҳужжатларда белгиланган вазифалар доирасида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан миллий мувофиқликни баҳолаш, синондан ҳамда ўлчаш натижаларини экспорт бозорларида тан олиш борасида ҳамкорликни кенгайтиришга интиломоқда. Шунингдек, маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларни жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарда кенг жорий этиш ва маҳсулотларнинг техник регламент ва стандартлаштиришга доир норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш каби йўналишларда самарали фаолият юритмоқда.

Аҳолига сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар етказишда давлат назоратини таъминлаш ҳам агентлик фаолиятининг асосий йўналишларидан. Шу мақсадда Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекцияси уч йўналишда тизимли ишларни бажармоқда.

Биринчи йўналиши — давлат назорати. Инспекция жорий йилнинг ўтган даврида Бизнес омбудсманни хабардор

қилган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, савдо каби тармоқларда фаолият юритиб келаётган 120 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларида давлат назорати ўтказди.

Тегирилган мингта яқин маҳсулотдан 85 фоиздан ортиги маркировка, сақлаш шароити, даврий синондлар, сифат кўрсаткичи билан боғлиқ амалдаги техник регламент ва стандарт талабларига номувофиқлиги аниқланди. Бундан ташқари, қариб 1,9 мингта ўлчаш воситасидан 930 таси қиёсланмаган. Қиймати 64,6 миллиард сўмлик маҳсулотлар мувофиқлик сертификатисиз реализация қилинган. Шунингдек, 38 турдаги 366 миллион сўмлик маҳсулотлар техник регламент ва стандарт талабларида белгиланган сифат кўрсаткичларига мос эмас. Натижада қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган корхоналарнинг юздан зиёд масъулига нисбатан маммурий ҳуқуқбузарлик баённомаси расмийлаштирилди.

Иккинчи йўналиш — профилактика. Инспекция қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш мақсадида қурилиш йўналишида фаолият юритувчи 5,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектига огоҳлантириш хати ва тарқатма материаллар юборди.

Учинчи йўналиш — сертификат назорати. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида назорат инспекциясига лифт ва эскалатор маҳсулотларига расмийлаштирилган 70 га яқин, кабель, иситиш қозони, радиатор, музлаткич ва кондиционер маҳсулотларига расмийлаштирилган 300 га яқин, арматура ва металл лист маҳсулотларига тайёрланган 90 га яқин ариза бўйича ҳужжатлар тўплами келиб тушган. Ҳозиргача уларнинг асосий қисми назоратдан ечилди, камчили аниқланганлари вақтинча назоратда қолмоқда.

Мамлакатимиз техник жиҳатдан тартибга солиш тизими иқтисодийетимиз барқарорлиги, етказиб берилаётган маҳсулотлар ишончилиги, хавфсизлиги, фойдаланишда қулайлиги ва сифатини таъминлашда муҳим йўналиш ўлароқ замон талабларига мос ривожлантирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, дунё бозорига чиқиш, экспорт географияси ва кўламини кенгайтириш, юртдошларимизни сифатли ва хавфсиз маҳсулотлар билан таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли.



Азамат АБДУРАҲМОНОВ, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги инспекция бошлиғи

Иккинчи чорада барча йўналишга мос равишда экспорт кўлами ҳам сезиларли ортади. Чунки, биринчидан, давлат дас турда 2024 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 6 фоиздан кам бўлмаган, шу жумладан, экспорт ҳажми ўсишини 25 фоиз даражасида таъминлаш вазифаси белгиланган. Иккинчидан, айна пайтга келиб, жанубий вилоятларда пишиб етилган тарвуз, қовун, гилос, ўрик каби маҳсулотларни дунё бозорига экспорт қилиш жараёни жадал кечмоқда.

Бундан ташқари, май ойининг учинчи ўн кунлигига келиб, халқаро биржа савдо-ларида мис котировкаси барча давр учун янги максимум — 11 минг 105 долларга етди. Йил бошидан ҳисоблаганда мис нархи 27 фоиз қимматланди. Ўзбекистон мис захираси бўйича етакчи давлатлардан экани ҳамда мис қазиб олиш ва қайта ишлаш санаяти ривожлантиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилётгани, қолаверса, дунё бозорига электромобиллар ва қайта тикланувчи энергия манбаларига мос равишда миста талаб тобора

ортиб бораётгани ҳам мамлакатимиз экспорти истиқболли билан боғлиқ янги имкониятлар яратди.

Россия Президентининг давлат ташрифи билан мамлакатимизга келгани ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, ташриф доирасида томонлар яқин истиқболда ўзаро савдо ҳажминини 30 миллиард долларга етказишга келишиб олди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз экспорт имкониятларини янада оширади.

Маҳсулотнинг туридан қатъи назар, даромад борасида энг самарали ечим, бу — экспорт. Шу боис, мамлакатимизда ушбу жаҳонни ривожлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жумладан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликни тезлаштириш, Европа Иттифоқининг махсус преференциялар тизими GSP+дан самарали фойдаланиш, МДҚ давлатлари билан ўзаро савдо ҳажминини ошириш, транспорт-логистика инфратузилмасини яхшилаш, божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш каби қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Техник жиҳатдан тартибга солиш тизими бу борада муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳсулот тайёрлиги, логистика ва божхона шайлиги товарни дунёнинг хоҳлаган бозорига олиб бориб сотиш мумкинлигини аниқламайди. Экспорт жараёни билан боғлиқ талаблар, халқаро стандартларга мувофиқлик масаласи бор. Айтилик, маҳсулотинингиз Европа бозорига сотмоқчи бўлсангиз, харидорлар ушбу маҳсулотнинг халқаро стандартларга мувофиқ этиштирилган ёки тайёрланганига доир хулоса сўрайди. Бу каби масалалар эса бевосита Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги фаолияти доирасида ҳал этилади.

Айни шу мақсадда агентлик фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Хусусан, шу йил 26 февраль кунни техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича таклифлар тақдиротида соҳа ривожига қаратилган устувор вазифалар белгиланган эди.

Авалло, стандартлаштириш соҳасини ислоҳ қилиш ва соҳага замонавий

Сайхунобод тажрибаси

“ТҮРТ МУЧАМИЗ СОҒ БЎЛСА, НИМА УЧУН БИРОВНИНГ ҚЎЛИГА ҚАРАБ ЯШАШИМИЗ КЕРАК?”

Мирзачўлнинг бугунги қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бу ерда улкан бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг яқинда Жиззах вилоятига ташрифи ва Шароф Рашидов, Зарбдор туманларидаги аҳоли рўзғори, томорқалардан қандай фойдаланаётгани, шу орқали қанча даромад олаётгани билан қизиққани кўпчиликни ўйлантириб қўйди: “Улар қилган ишни нега мен қилолмайман?” деган гап кўнглидан ўтди. Ховлимда иссиқхона кураман, томорқамга экин экман, деганлар кўпайгандан кўпайди.

Айниқса, аҳоли даромадларини ошириш бўйича Сайхунобод тажрибаси бугун юртимиз маҳаллаларида оммалашмоқда. Сайхунобод тажрибаси асосида ҳар бир маҳалладан камбағал, даромади кам оилалар ташаббус олимоқда. Уларга ҳудудлардаги етакчи тадбиркорлар кўмагида чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, кўнчилик, балчиқчилик каби тадбиркорлик билан бирга томорқа ҳўжалигини ривожлантириш, шунингдек, уч сотих иссиқхона қуриши ва бир йилда 50 миллион сўмдан ошқ даромад қилишига имконият яратилмоқда.

Маҳаллаларга бириктирилаётган тижорат банклари масъулари жойлардаги ҳоким ёрдамчилари кўмагида кам таъминланган оилаларга қўшимча даромад манбаини яратиш, томорқа маданиятини шакллантириш, сабзавот-полииз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, кўчаларни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, қолаверса, аҳолига савдо ва бошқа хизматлар кўрсатиш, бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш ишларига шахсан жавабгар ҳисобланади.

Ҳоким ёрдамчиси “Бир сотих томорқадан камида 1-2 миллион сўм даромад” мезони асосида аҳоли учун бизнес режа ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, туманларда экспортга кўмаклашувчи корхоналар очилиб, уставиға бир миллиард сўм киритилаётди. Бир корхона тўрт минг розадонга серхосан қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимиан уругини етказиб беради. Етиштирилган ҳосилни экспортёр сотиб олади.

Сайхунобод тажрибаси ердан янада самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор топишга кўмаклашиш, тадбиркорларни

сифатли уруғ билан таъминлаш, экспортга амалий ёрдам бериш, ер муносабатларини шакллантириш каби муҳим ислохотларни ўз ичига олган.

Богбон маҳалласи Мирзачўл тумани марказидан унча олиб бўлмаган ҳудуд. Маҳаллада Сайхунобод тажрибасини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдик. Маҳалла фаоллари ҳамроҳлигида дастлаб Олим Қурбонов хонадонидан бўлди. Бу оила ҳам кам даромадлилар рўйхатига киритилган.

— Тўрт оила, 13 жон бир жойда яшаймиш, — дейди Олим Қурбонов. — Ҳоким ёрдамчиси тавсиясига асосан, бизга

томорқа, паррандачилик, чорвачилик йўналишида банкдан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Уч сотих иссиқхона барпо қилдик. Бир ой муқаддам унга 1000 туп бодринг эқдик. Бир сотихдан ўртача уч тонна ҳосил олдик. 8000 сўмдан буюртмачиларга сотдик. 40-45 кунда етилган биринчи ҳосилнинг ўзидан оиламиз 24 миллион сўм даромад қилди, ҳали ҳам иссиқхонада ҳосил бор. Бодринини пешима-пеш ички бозорга чиқаряпмиз. Насиб қилса, яна бодринг эмкочимиз. Қўшимчасига банкдан инкубатор ҳам берилди. Бир циклда ушбу инкубатор 500 та жўжа очиб чиқаради. Паррандаларимиз сонини кўпайтиришни ҳам режалаштирганмиз. Бир бош соғин сигир беришди. Ундан кунига 7-8 литр сут соғиб олинмоқда. Сутни қўшиларимиз сотиб олади. Кўчада бекор ўтириб, бировларни гийбат қилишга вақт йўқ. Оиламизда ҳаммага вазифалар бўлиб берилган. Эрталаб барвақт туриб, турмуш ўртоғим Ҳикоят, ўғилларим Қобил, Обид, Собит, Асил, келинларим Чарос, Гулмира, Шоҳсанам ўз юмуш билан машғул. Кимдир иссиқхонада, яна кимдир очик томорқада, чорва, парранда

парвариши билан банд бўлади. Қўлимиз пул кўрди, рўзгоримизга барака кирди.

Ҳамдам Алиев оиласи банкдан 33 миллион сўмдан икки бор кредит олди. Иккита 7,5 сотихли иссиқхона қурган тадбиркор бирига помидор, иккинчисига бодринг экиб, мўл ҳосил олишга эришди. Хонадон ўртача бир сотих иссиқхонадан олти тоннадан ҳосил олди. Бодринг буюртмачиларга қилоси 10 минг сўмдан, помидор эса 22 минг сўмдан сотилди. Биринчи экилган ҳосилдан оила ўртача 180 миллион сўм даромад олди. Маҳалла ёшларининг ўн нафари мавсумий ишларга жалб этилди. Хонадон аҳли ҳар қарич ердан унумли фойдаланмоқда. 2 сотихдан ортиқ ерга тўқсонбости экинлар экилди.

— Томорқа ва иссиқхона даромади ҳисобидан 45 бош қорамол сотиб олдик, — дейди Ҳамдам аканинг фарзанди Лазизжон Алиев. — Келажақда насли чорва моллари бош сонини кўпайтиришни ният қилганмиз.

Тадбиркор Шерали Жўраев ҳоким ёрдамчиси тавсиясига асосан, банкдан 100 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, 5000 бойлер товуқ парвариши қилаётди. Гўшти учун боқилаётган жўжалар етилгач, тадбиркор тайёр маҳсулотни туман марказиди ўзининг савдо дўконига сотмоқчи. У раҳбарлик қилаётган тадбиркорлик субъектида бешта янги иш ўрни яратилди.

— Тибийет мутахассислари хулосаларига кўра, киши соғлом бўлиши учун бир йилда ўртача ўн кило парранда гўшти ва 121 дона тухум истеъмол қилиши зарур. Аслида, парранда гўшти ва тухуми парҳез ҳисобланиб, инсон организми учун жуда фойдал, — дейди ўз ишининг ҳадисини олган Шерали.

Дилбар Эрнazarованинг асл касби ҳамширалик. Аёл боши билан икки фарзандни улғайтириб, уйли-жойли қилиш тақдир тақозоси билан унинг зиммасига тушди. Кейинги пайтда иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб қолган уй бекасига кредит ажратилиши турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборди.

— Дастлаб икки миллион сўм кредит олиб, тикиш-бичиш қилдим, — дейди Дилбар она. — Ҳоким ёрдамчисининг



Богбон маҳалласи Мирзачўл тумани марказидан унча олиб бўлмаган ҳудуд. Маҳаллада Сайхунобод тажрибасини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдик.

оиламиздаги шароитлардан хабари бор экан, бизга ҳар томонлама кўмак берди. Банкдан кредит олиб, кўнчилик билан шуғулланиб келяпмиз. Айни пайтда 150 бош кўе кўпайтириб, гўшти учун парваришляпмиз.

Сайхунобод тажрибаси асосида танланган Дилбар Эрнazarова оиласи бугун қисқа вақтда камбағалликдан қутулиб, маҳалладаги бошқа оилаларга намуна бўлаётди.

— Камбағалман, деб ҳокимликнинг эшигига бориб ётиб олган одамларни кўрсам, жаҳлим чиқади, — дейди Дилбар Эрнazarова. — “Шунча имкониятдан хатто кексалар ҳам фойдаланяпти. Тўрт мучамиз соғ бўлса, нима учун бировнинг қўлига қараб яшашимиз керак?!” дейман уларга.

Маҳалладаги ташриф буюрган навбатдаги хонадонимиз соҳиби Азимжон Азизов қирқ бир ёшда. У хусусий тадбиркор бўлгунга қадар кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Ҳатто хорижда ҳам ишлаб келди, аммо бири икки бўлмади. Турмуш ўртоғи Гулбаҳорхон иккаласи бамаслаҳат режалар тузишди. Яхши яшаш учун нима қилиш керак?

Узоқдан келган ҳолатда инсонларнинг шу ерда яшаб, туя сутидан баҳраманд бўлиши учун 20 ўринли қўшимча уй қурди. — Бир вақтлари Россияга бориб ишлаганимда ойига 200-300 долларни зўрга топардим. Ҳозир оиламиз билан кунига 100 доллардан ошқ даромад қилляпмиз, — дейди тадбиркор Азимжон Азизов.

Хуллас, Богбон маҳалласида тадбиркор бўлмаган оила деярли қолмади.

— Биз тақлиф билан борганимизда маҳалладошларимиз “Энди банкдан кредит олмаймиз”, дейишмоқда. Чунки томорқасидан, хунармандлик, чорвачиликдан даромад қилганлар ўз маблаглари ҳисобидан бизнесини кенгайтирмоқда, — дейди маҳалла раиси Тошпўлат Ҳасанов. — Маҳаллада ҳатто кўп қаватли уйлар атрофида ҳам бўш ер қолмади. Барча ерларнинг энди ўз эгаси, соҳиби бор. Бу ерларга гуллар, кўчатлар, сабзавотлар экиб қўйилган.

Уйга қайтар эканмиз, майин эсаётган ёқимли шабада шу атрофдаги пайкалдан хандалак ҳидини димоғимизга урди. Яқинда полиз экинлари ҳам дастурхонларимизни обод қилади, деган ўй-хаёлимизни банд этди. Чунки Богбон маҳалласининг ҳақиқий деҳқон ва богбонларини энди кўеши уйғотмайди, аксинча, улар кўешни уйғотишга ўрганиб қолди.

Зoir ЭРГАШЕВ, журналист

ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ МАҚОМИ МАСЪУЛИЯТИ

Ногиронлиги бор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қандай таъминланяпти?



Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

БМТнинг дунё миқёсида аҳолининг ушбу тоифаси тўғрисидаги маълумотлари ва уларни қўллаётган муаммоларга доир рақамли фикримиз исботдир. Ушбу таъминоти маълумотларида кайд этилишича, бугун дунё аҳолисининг 10 фоизга яқини ногиронлиги бўлганлар. Демографик ўсиш, тиббиёт ютуқлари ва аҳолининг қариш жараёни натижасида бу кўрсаткич мунтазам ўсиб бормоқда.

Қолаверса, ногиронлик кўпинча таълим даражаси энг паст аҳоли қатламида учрайди. Бундай қатламдаги ногиронлиқнинг ўртача улуши 19 фоизни, таълим даражаси юқори бўлган аҳоли ўртасидаги кўрсаткич эса 11 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, беш ёшгача бўлган болаларнинг ўлим кўрсаткичида ногиронлиги борларнинг улуши юқори.

Бу рақамлар ҳар қандай инсонни безовта қилмай қолмайди. Шу боис, аҳолининг ушбу тоифасига эътибор ва кўмакни кучайтириш, таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини эгаллаши, ҳамма қатори турмуш кечирishi учун зарур шароит яратиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб. Жаҳон ҳамжамияти бу борада қатор чора-тадбирларни кўроқда. Жумладан, БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қатор давлатлар ратификация қилган ва унда белгиланган вазифалар ижроси доирасида тизимли ишлар бажарилляпти.

Ижтимоий давлат тамойили — амалда

Янги тахрирдаги Конституцияда ижтимоий давлат мақомини зиммасига олган Ўзбекистон учун ҳам бу тамойилларни рўйбга чиқариш устувор аҳамият касб этади. Жумладан, Конституциямига мувофиқ, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳуқуқлари давлат ҳимоясида. Шунга мувофиқ, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари, хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароит яратиши, ишга жойлашиши, таълим олишига кўмаклашиши, зарур ахборотни тўққонлиқсиз олиши учун имконият яратиши зарур.

Ҳозир юртимизда 1 миллионга яқин ногиронлиги бўлган шахс, жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган бола истиқомат қилмоқда. Инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган мамлакатимизда барча фуқаро каби ногиронлиги бўлганларнинг жамият ҳаётидаги ҳамма соҳада иштирок этиши

Жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қарашларни ўзгартириш ҳам ассоциация фаолиятининг устувор йўналишларидан. Бугун аксариятимиз бундай тоифадаги инсонларга “ёрдамга муҳтож қатлам”, деган нигоҳ билан қараймиз. Катта концерт залларида ўтаётган томошаларга етиб бормайётган имконияти чекланганлар ҳам бу ҳолат учун ўзини айбдор ҳис қилади. Ҳолбуки, бунинг учун уларга етарли шароит — пандуслар, йўлакчалар ва бошқа имконият яратиб бера олмаётган жамият бу масалада кўпроқ жавобгар.



объектлар, боғ ва парklar, жамоат транспортда махсус инфратузилма яратиш, давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ногиронлиги бўлганларга мослаштириш бўйича чоралар кўриляпти. Улар учун махсус ахборот порталлари, телекўрсатувлар, адабиётлар ва кутубхоналар сони кўпайтирилляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Президент ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилгани бу жабҳадаги ишлар ривожига яна бир муҳим қадам бўлди. Мазкур агентлик

Ҳозир юртимизда 1 миллионга яқин ногиронлиги бўлган шахс, жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган бола истиқомат қилмоқда. Инсон қадр, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган мамлакатимизда барча фуқаро каби ногиронлиги бўлганларнинг жамият ҳаётидаги ҳамма соҳада иштирок этиши учун зарур шароит яратилмоқда.

ногиронлиги бўлган шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш йўналишида ҳам тегишли чора-тадбирлар кўроқда.

2024 йил 20 февралда Президентимиз раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар манфаатлари алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ўқитиш, ишга жойлаш ва спортга жалб қилиш бўйича миллий тизим шаклланиши, ишлаш ва касб-хўнар ўрганишида тўққонлиқсиз муҳит яратиш учун “меҳнатга лаёқатини белгилаш” амалиётидан воз кечилиши, шунингдек, ногиронлик касалликка қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқот қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига нисбатан белгиланиши алоҳида таъкидланди.

— Кўп йиллар банк соҳасида ишлаганман, — дейди зангиоталик Абдулатиф Мусоев. — Ёшим 38 да, 3 фарзандим бор, бироқ коронавирусга чалинганимдан кейин саломатлигим ёмонлашди. Бир неча бор даволашимга қарамай, соғлигим тўла тикланмади, ногиронлик гуруҳига чиқишимга тўғри келди. Шунга қарамай, саломатлигимга тўғри келадиган иш бўлса, ишлаш ниятим бор эди. Ҳозир маҳаллардаги ҳоким ёрдамчилари бандлик масаласида аҳолининг барча тоифаси, шу жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларга ҳам яқиндан кўмак берапти. Мен ҳам шу имкониятдан фойдаланиб, ўз мутахассислигим бўйича ишга қайтдим.

2023 йил январь-ноябрь ойларида имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган 14 минг 748 шахснинг бандлигига кўмаклашилган. “Ишга марҳамат” мономарказларида ногиронлиги бўлган шахслар учун меҳнат бозорида талаб юқори касблар, хорижий тил, компьютер саводхонлиги ва дастурлаш асослари бўйича ўқув курслари доимий ташкил этиб келинмоқда.

Ногиронлар жамиятлари таклифи асосида касб-хўнарга ўқитилаётган бу тоифадаги шахсларга ногиронлик нафақаси билан бир вақтда Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан базавий ҳисоблашнинг 2 баробари миқдорда ҳар ойлик рағбат пули тўланмоқда.

Айни пайтда барча даражадаги раҳбарлар ва давлат идоралари масъуллари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича доимий мулоқот тизими йўлга қўйилиб, тизимли ишлар давом эттирилляпти.

ННТларнинг ўрни қандай бўлмоқда?

Яқин-яқингача мамлакатимизда саксонга яқин ННТ ногиронлиги бор шахсларнинг муаммоси билан шуғулланар, ҳар бири ўз йўналиши бўйича алоҳида фаолият юртларди. ННТлар ўртасида ўзаро боғлиқлик, хабардорлик йўқ эди. Бу эса тегишли вазифалар самарали ечим топиши ва муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини тўла жалб этишга тўққонлиқ қиларди. Шу муаммоларни бартараф этиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ташкил этилди. Ҳозир ассоциация тизимида 44 та ННТ фаолият юртляпти. Бу бирлашув ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини давлат ва халқаро ташкилотлар олдида ифода этишда яқдиллик билан иш юритишга замин яратмоқда.

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ассоциациянинг худудий бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ўзининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига эга. Бу соҳага оид янгиликларни оммага кенг тақдим этиш, уюшма амалга ошираётган лойиҳаларни изчил тарғиб этишда қўлай имконият яратмоқда.

Ассоциация раиси Ойбек Исоқовнинг айтишича, ташкилот олти йўналишда иш юртляпти. Қонулар қабул қилиш жараёнида иштирок этиш тузилма фаолиятининг муҳим йўналишидир. Утган йили ассоциация мутахассислари бу борада қатор тадбирлар ва йиғилишларда иштирок этиб, тегишли соҳалар юзасидан таклиф ва тавсияларини берди. Хусусан, Конституциявий комиссияга ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир 24 та таклиф юборди. Уларнинг 7 таси янги тахрирдаги Конституцияга киритилди. Бундан ташқари, қатор қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда таклифлар берди. Жумладан, ўттизга яқин меъёрий ҳужжат лойиҳалари тақдим этилди.

“Яқин-яқингача мамлакатимизда саксонга яқин ННТ ногиронлиги бор шахсларнинг муаммоси билан шуғулланар, ҳар бири ўз йўналиши бўйича алоҳида фаолият юртларди. ННТлар ўртасида ўзаро боғлиқлик, хабардорлик йўқ эди. Бу эса тегишли вазифалар самарали ечим топиши ва муаммоларга жамоатчиликнинг эътиборини тўла жалб этишга тўққонлиқ қиларди. Шу муаммоларни бартараф этиш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида 2018 йилда Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси ташкил этилди.”

Улардан салмоқли қисми қонун ҳужжатлари миқдоридан жой олди.

“Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Тошкент шаҳридаги давлат хизматлари марказларида ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун тўққонлиқсиз муҳит мавжудлиги бўйича қатор жамоат доимий ташкил этиб келинмоқда.

Ногиронлар жамиятлари таклифи асосида касб-хўнарга ўқитилаётган бу тоифадаги шахсларга ногиронлик нафақаси билан бир вақтда Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан базавий ҳисоблашнинг 2 баробари миқдорда ҳар ойлик рағбат пули тўланмоқда.

Айни пайтда барча даражадаги раҳбарлар ва давлат идоралари масъуллари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш бўйича доимий мулоқот тизими йўлга қўйилиб, тизимли ишлар давом эттирилляпти.



пойтахтимизда, балки юртимизнинг турли худудда ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар берилляпти.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция асослари ва ННТлар салоҳиятини оширишга оид лойиҳа бўйича худудларда тренинглар ўтказилди. Бу жараёнда ногиронликка ёндашув, конвенция нормаларини қўллашда ННТлар иштироки, давлат дастурларини амалга оширишда давлат органлари билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий асослари каби масалалар муҳокама қилинди.

Ассоциация халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам доимий эътибор қаратмоқда. Утган йили бу йўналишда тегишли давлат муассасалари ва халқаро ташкилотлар иштирокида кўплаб тадбирлар, жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди.

Жамиятда ногиронлиги бўлган шахсларга нисбатан қарашларни ўзгартириш ҳам ассоциация фаолиятининг устувор йўналишларидан. Бугун аксариятимиз бундай тоифадаги инсонларга “ёрдамга муҳтож қатлам”, деган нигоҳ билан қараймиз. Катта концерт залларида ўтаётган томошаларга етиб бормайётган имконияти чекланганлар ҳам бу ҳолат учун ўзини айбдор ҳис қилади. Ҳолбуки, бунинг учун уларга етарли шароит — пандуслар, йўлакчалар ва бошқа имконият яратиб бера олмаётган жамият бу масалада кўпроқ жавобгар.

Ҳозир юртимизда бу борада ўзига хос саъй-ҳаракатлар бошланди. Бино ва иншоотлар қуриш, реконструкция қилиш, жамоат транспорти, ахборот ва алоқа воситалари ишлаб чиқаришда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳеч бири монеликсиз фойдалана олишига бирламчи аҳамият

қаратилляпти. Жорий йилдан бошлаб янги-янги муаммоларни бундай муаммоларнинг илдизи қарга бориб тақалиши юзасидан ҳам ишланишда. Ўрганишлардан маълум бўлишича, янги қурилаётган бино ва иншоотларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг талаб ва эҳтиёжлари тўла инобатга олинмаётгани бинони лойиҳалаш жараёнига бориб тақалляпти.

— Архитекторлар иншоот лойиҳасини чиқишда кўпинча бу жиҳатларни эътибордан четда қолдирмоқда. Бу ҳолатта мутахассисларга таълим жараёнида ушбу йўналишда шаҳарсозлик нормалари ва қондалари тўла-тўқис ўқитилмаётгани сабаб бўлмоқда, — дейди Ойбек Исоқов. — Бу бўйича ҳам тегишли ташкилот ва муассасаларга тавсиялар, таклифлар берилган.

Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси иш тажрибаси нуфузли хорижий ташкилотлар томонидан муносиб эътироф этилляпти. Унга БМТнинг ижтимоий-иқтисодий қўмитаси томонидан 2020 йилда маънафат берувчи ташкилот мақоми берилгани бунинг исботи. Албатта, ННТларнинг бу жабҳадаги ютуқлари мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятимизнинг тўлақонли аъзосига айлантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос натижасидир.

Ҳаёт думон этар экан, бу йўналишда давлат ва нодавлат тузилмалар олдида янги-янги вазифалар пайдо бўлаверади. Қувонарлики, бугун юртимизда бундай масалаларни самарали ҳал этиш учун сиёсий ирода ва замонвий тизим, интеллектуал салоҳият етарли. Бу эса мўлжални аниқ олиш ва вазифаларни тўғри чамалаш, пиروвардида, кўзланган мақсадларга эришиш йўлида ёрқин истиқбол очади.



Ислохотлар самараси

Юртимиздаги мухташам бинолар, тарихий обидалар, қадамжолар, шахару кишлоқлардаги кўркам иншоотларни безаб турган мрамрлар ёки гранит тошлар кўзимизни қувонтиради. Аммо бу гўзаллик ва нафислик ўз-ўзидан барпо бўлмайдими, қанчадан-қанча машаққатли меҳнат эвазига яратилади.

Мрамр захирасига бой мамлакатлар кўп. Масалан, 250 дан ортиқ мрамр конига эга Италия оқ мрамри билан шуҳрат қозонган бўлса, Нурота тоғлари ва ҳудуддан қазиб олинган Ҳозгон мрамри ҳамда гранит тоши нафис жиҳоси, сифати билан хорижикидан асло қилинмайдими. Жаҳон бозорига етакчи ўрин эгаллайди.

Навий вилоятда мрамр ва гранит маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. Бонси, ушбу йўналишга ихтисослашган корхоналар кўпайиб, мавжудлари фаолиятини янада кенгайтирмоқда. Бу жараёнда Ҳозгон шахрининг имконияти ва салоҳияти муҳим ўрин тутди.

Ҳозгон азалдан камалакранг жилланувчи табиий мрамри ва гранити билан дунёга танилган. Мутахассислар фикрича, бундай ранг-баранг мрамр дунёда камёб саналади. Утмишда ҳам бу ҳудуддан нафис буюмлар ясашга қўлай юлқа мрамр олинган. Ундан ҳар хил товоқ, болалар ўйинчоғи, хотин-қизлар учун безаклар ясалган. Ҳозгонда қадимдан тоштарошлик хунари мавжуд бўлиб, бугун тадбиркорлик тури сифатида янада ривожланмоқда.

Асосий инвестиция лойиҳаларининг ақсарияти шу йўналишда амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳудуддаги заводларда асил Ҳозгон мрамри ва гранит плита тайёрланмоқда. Бу маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқишда замонавий технологияларга эга ишлаб чиқариш корхоналари муҳим ўрин тутди.

Шаҳарда “Мрамроробод” саннат кластери иш бошлагани ва муваффақиятли фаолият юритаётгани ушбу йўналишнинг энг муҳим ривожланиш босқичи бўлди. Кластер тошни қазиб олиш ва қайта ишлашдан тортиб, барча қайта ишловчиларни зарур ҳомаш ёки таъминлаб беришни зиммасига олган. Тижорат банкнинг 4 миллион долларлик имтиёзли кредити ҳисобига Хитойдан замонавий ускуналар келтирилди. Йилга 70 минг куб метр тош қазиб олиш ва 1,2 миллион метр квадрат тошни



ҲОЗҒОННИНГ КАМАЛАКРАНГ ЖИЛОСИ

дунёда камёб, инвесторлар учун эса жозибадор



қайта ишлаш қувватига эга корхона мутахассислари янги ускуналар ёрдамида Паштош ва Парғат қарьерларидан гранит тошларни замонавий усулда қазиб олади.

— Корхона иш бошлаши билан кўп-лаб янги иш ўрни яратилди. Унда 100 дан зиёд ёш мутахассис ишлаётган, — дейди Ҳозгон шахри ҳокими ўринбосари Акбар Асроров. — Айни вақтда тўлиқ қувват билан ишлаётган заводда асосан, мрамр ва гранит тошдан плиталар тайёрланиб, маҳаллий бозорларга етакчилмоқда ҳамда дунё мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Ҳудудда 33 миллион куб метр мрамр, 100 миллион куб метрдан зиёд гранит тош захираси мавжуд. Бу кўрсаткич аниқланган захиралар бўлиб, ҳали бу борада изланишлар давом этмоқда.

Бугун Ҳозгонда ишлаб чиқарилаётган 7 хил рангдаги ноёб мрамр ва гранит тошлар Россия, Тожикистон ва Қозоғистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Корхонада



нафақат гранит плита ишлаб чиқарилмоқда, балки ундан маиший ҳаётимиз ва қурилиш-бунёдкорлик ишларида фойдаланиш учун турли буюмлар ҳам ясалаётгани мажмуанинг техник ва технологик қудратидан далолат беради.

Ҳозгон мрамр ва гранитдан ташқари сангтарошлири билан ҳам машҳур. Улардан бири Ўзбекистон халқ устаси Тоҳир Раҳимовдир. Машҳур сангтарошлининг мўъжаз устасида мрамрдан ясалган кўплаб санъат асарлари, устун ва безаклар бугун мухташам биноларни, тарихий масканларни безаб турибди. Ушбу устаси сангтарошлик бўйича ўзига хос мактабга айланган.

— Илгари бу ҳунарга эътибор кам эди. Тарихий масканлар, маданий мерос объектлари қайта тиклана бошлагандан кейин бу йўналишга эҳтиёж ортди, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Тоҳир Раҳимов. — Шоғирларимиз кўп.

Улар сангтарошликни пухта эгаллаб, ҳудудларда ишимизни давом эттиряпти. Ҳозгоннинг тенгсиз мрамри дунёдаги машҳур биноларни безатиб турибди.

Айни вақтда Навой шахрида гранит тоши қазиб олиш ва қайта ишлаб, тайёр маҳсулот етказиб беришга ихтисослашган “Plancheng stone” хорижий корхонаси ҳам муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хитойлик инвесторлар кўмагида очилган корхонада йилга ўртача 120 минг метр куб гранит тош қайта ишланади.

Инвесторлар дастлаб 2021 йили 7 миллион долларлик лойиҳани тақдим этган бўлса, кейинчалик 20 миллион доллар миқдорда инвестиция киритди. Натияжада гранитдан пардозоп материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Plancheng stone” корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

— Маҳсулотларимиз маҳаллий бозор билан бирга хорижий давлатларда ҳам сотилмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 70 фоизи экспортга йўналтирилади. Утган йили Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонга 10 миллион 460 минг долларлик маҳсулот экспорт қилинди, — дейди корхона ижрочи директори Балтин Турсунхона. — Ички бозорга эса 40 миллиард сўмлик маҳсулот сотдик.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги “Навий” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навий вилоятда кичик саннат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди давлат мулки бўлган объектлар ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни фол жалб қилиш учун қўлай шароит яратиш белгиланган.

Шунингдек, рақобатбардош, замонавий ишлаб чиқариш объектлари ва кичик корхоналарни ривожлантириш, лойиҳаларни муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжуд алоҳида ҳудудларда



жойлаштириш ҳамда шу аснода ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг бандлигини ошириш кўзда тутилган. Бундай ҳудудда фаолият юритаётган корхоналар учун қатор имтиёз ва имкониятлар мавжуд. Солиқ ва боқхона тизимидаги ушбу имтиёзлар сабабли мажмуор корхона фаолияти йилдан йилга ривожланмоқда.

2021 йили 155 ишчига эга корхонанинг товар айланмаси 66 миллиард 337 миллион 600 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 179 миллиард 354 миллион 800 минг сўмга етказилди ва ишчилар сони 545 нафарга кўпайди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 700 га яқин ишчига эга корхонанинг товар айланмаси 22 миллиард 484 миллион 770 минг сўмни ташкил этди.

Ҳозир корхона маҳсулоти сифати билан мамлакатимиз ва қўшни давлатлар орасида алоҳида ўринга эга. Унинг ички ва ташқи савдо бўйича ҳамкорлари кундан кунга кўпаймоқда. Маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам шунга мос

равишда ошмоқда. 2021 йили корхона 3 миллион 870 минг доллар қийматидаги маҳсулот экспорт қилган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 10 миллион 460 минг долларни ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 1 миллион 154 минг долларлик маҳсулот хорижлик мижозларга етказиб берилди. Бу натижага эришишда ўтган йил августда корхонанинг 2 та янги филиали ишга туширилгани муҳим аҳамият касб этди.

Корхонада иш жараёни икки навбатда ташкил этилган. Ишчилар махсус кийим билан таъминланган. Барча хавфсизлик қоидалари мунтазам тушунтириб борилади. Узоқ масофадан келиб ишлайдиганлар ётоқхона билан ҳам таъминланади. Ишчиларга бепул иссиқ овқат берилади.

Гранит маҳсулотларнинг мижозлар қўлига етиб боришда фақат корхонадаги кесил, қайта ишлаш эмас, балки тоғ бағридаги қарьердан қазиб олиш, олис масофадан шахарга, яъни корхонага етказишдек мураккаб, машаққатли жараён ҳам бор.

Корхона Хатирчи туманидаги 24 гектарли Кўксарой қарьерини тасарруфига олган. Бу ерда гранит тош қазиб олиш, махсус техникалар ёрдамида кесил ва корхонага етказиш ишлари бажарилди. Аҳамиятлиси, ушбу қарьерда 70 дан зиёд маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган.

Маҳаллий фуқароларнинг иш билан бандлиги таъминланиши, хитойлик ҳамкорлар билан елкама-елка фаолият юритиши оилаларни даромадли қилибгина қолмай, ўзаро тажриба ва билим алмашиш имкониятини ҳам беради.

— Мустаҳкам, чиройли, тиниқ ранги билан акралиб туриши боис, Кўксарой қарьеридagi гранитга талаб юқори. Шунинг учун қазиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошмоқда. Мисол учун, бу қарьерда 2021 йили 35 киши

ишлаган бўлса, ҳозир улар сони етмишга етди. Яна бир-икки ойда 100 дан ошадми, — дейди Кўксарой қарьер участкаси раҳбари Чин Жуи. — Бу ютуқларнинг асосида юртингизда хорижлик тадбиркорлар фаолияти учун яратилган имконият ва шароит турибди. Айнан шу жиҳат корхона ривожига муҳим. Қолаверса, асосан, ҳудуддаги аҳоли орасидан ишчиларни жалб этганимиз ва кейинчалик ҳам бу давом этади.

“Навий” эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бу каби йирик корхоналар инвестиция мажбуриятини бажариб, бугун вилоятда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу эса вилоятда мрамр ва гранит ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора ошиб бориши, экспорт-бон маҳсулотлар кўлами ортишида ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Қарор ва ижро

АВВАЛИГА ИШОНМАГАНДИМ...

ЭНДИ У НАФАҚАТ ДАРОМАД ЭГАСИ, БАЛКИ ИШ БЕРУВЧИ ҲАМ

Қарши шахрида яшовчи Бахтиёр Турсунов бундан беш йил аввал тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилиб, ҳаракат бошлаганди. Соҳада етакчи бўлган танишларидан маслаҳат олиб, қатор лойиҳалар ишлаб чиқди. Бир олам орзулар оғушида бизнес режа ҳам тузиб олди. Энди бир оз маблағ керак эди. Керакли ҳужжатларни олганча банкка борди. Мақсадини айтиб, кредит олиш учун ариза берди. Аммо у пайтларда кредит олиш энг муаммолли масала бўлгани боис, банк ходимлари Бахтиёр акага осонгина ёрдам бериб қўя қолмади. Аввалига қандайдир ҳужжатларни сўрашди. Олиб келгач, яна нимадир кам, дейишди. Эртасига эса кейинги ойда келинг, деди банкдагилар. Айтилган вақтда келганида маблағ йўқ, дея баҳона тўқишдан нарига ўтишмади. Хуллас, асоссиз сабабларнинг изи кўринмай қолди.

Бу ҳолат уч-тўрт ой давом этгач, ҳафсаласи пир бўлган Бахтиёр ака барчасига қўл силтади. Қўлидаги лойиҳаларни ҳам бир четта улоқтириб, бошқа ишнинг бошини тутиш ҳаракатида тушди. Афсуски, тайинли ишнинг ўзи йўқ эди. Шу пайт хорижда ишлаб қайтган ўртоғига дуч келиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, ўзининг ҳам чет бориб ишлаш нияти борлиги, имкони бўлса, у билан бирга кетишни илтимос қилди.

Кўп ўтмай, ўртоғи ҳамроҳлигида хорижга жўнаб кетди. Ўзга юртда иш топишининг ўзи бўлмайдими. Лекин на илож, борига қаноат қилиб, меҳнат қилмасликнинг ҳам имкони йўқ. Дўстнинг ёрдами билан ўзга юртдаги корхонага жойлашди. Кам маош олса-да, бир амаллаб орттирганини уйига жўнатиб турди. — Анча йил давлатма-давлат юриб ишлаш толиқтирди, — дейди Бахтиёр Турсунов. — Охири марта ўтган йили чет элдан қайтганимда шу ерда бирор ишлаб чиқариш билан шуғулланаман, дегандим. Уйга келгач, ишни нимадан бошласам, деб бир муддат юрдим. Бир куни маҳалламиз фаоллари сўраб келди. Ҳоким ёрдамчиси ҳамда вилоят

корхона ва ишлаб чиқариш цехлари очмоқда. Натияжада нафақат ўзи, балки ишсиз маҳалладошларининг ҳам бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси мутасаддилари ҳам чет давлатларда ишлаб қайтганлар билан мунтазам мулоқот қилиб, иш билан таъминланишда кўмакчи бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган тўрт ойида жами ўн олти мингга яқин фуқаро ташқи меҳнат миграциясидан вилоятга қайтиб келган. Уларнинг бандлигини таъминлаш бўйича ўз вақтида мониторинг ўтказилиб, ҳозирга қадар етмиш фоизи иш билан таъминланди. — Хориждан қайтган ҳар бир фуқаро билан алоҳида суҳбатлашиб, шароитини ўрганишимиз, — дейди Қашқадар вилояти

камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Мансур Амиров. — Миграция-дан қайтганларнинг бирор тайинли касб-хунари ўрганиши ёки ўзини ўзи банд қилишга асосий эътибор қаратганмиз. Хусусан, ҳозирга қадар келганларнинг мингга яқини доимий иш ўринларига жойлаштирилди. Уч мингга яқини ўз касби билан машғул бўлса, юзга яқини тадбиркорлик билан машғул. Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчилари тавсиясига кўра, саккиз кишига субсидия ажратилди. Ҳунари ўрганиш учун икки юздан ортиқ фуқаро жойлардаги “Ишга марҳамат” мономарказларига жалб этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 4 апрелдаги “Меҳнат миграцияси жараёни-ларини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга



ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақса-дида Қашқадар вилоятда ҳам амалий ҳа-ракат бошланган. Жумладан, ҳозир муайян касб-хунарга эга, бироқ ишсиз фуқаролар Германия, Буюк Британия, Канада, Жанубий Корея, Япония, Финляндия, Туркия, Россия, Латвия, Польша, Болгария ва Қатар каби давлатларга ишга жўнатишмоқда. Кетувчи-лар ҳайдовчилик, тиббиёт, қурилиш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат қилиши белгиланган. Ишга бору-вчилар айна пайтда инглиз, турк, япон ва рус тилларини ўрганмоқда.

Мутахассислар таъкидлашчи, меҳнат миграцияси бўйича хорижа юборилаётган фуқароларнинг тил ўрганишига катта эъти-бор қаратилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ташаб-буси билан воҳадаги туман ва шаҳарларда чет тили ўқитилган 30 га яқин курс очилган. Тинловчиларнинг кўпи Германияда ишлаш истагидаги фуқаролардир. Ҳозир 1324 киши немиш тилини ўрганмоқда. Шунингдек, 118 хамишра ҳам айнан шу мамлакатда ишлаш учун немиш тилини ўзлаштиряпти. Бундан ташқари, Германия компанияси билан им-золанган ҳамкорлик шартномасига кўра, шу йил вилоятда тажриба-синов тариқасида не-мис ўкув дастурлари ва технологиялари асо-сида профессионал касб-хунари мактаби бар-по этилади. Шу билан бирга, бошқа хорижий

тиллари ўрганиш учун ҳам кенг имконият-лар яратилмоқда. — Ўтган йили хорижга ишга юборилаёт-ган фуқароларни моливий қўллаб-қувват-лаш мақсадида етти мингдан ортиқ кишига имтиёзли хизмат кўрсатилди, — дейди Ман-сур Амиров. — Бу йил ҳам жараён давом эттирилмоқда. Йил бошидан ҳозирга қадар уч юзга яқин воҳадосишимиз имтиёزلардан фойдаланган бўлса, 175 кишининг ҳаёти ва соғлиги субсидия ҳисобидан сугурта қили-нди. Шу билан бирга, ишга борувчилар ўрта-та қадар бир давлат қонунчилигини юрмат қилган ҳолда меҳнат қилиш, қондаларга риоя этиш, хавфсизлик техникасига жиддий қараш хусусида тарғибот-ташвиқот ишлари юритилмоқда. Ҳар бир киши, энг аввало, тартиб-қоидага амал қилиб, саломатлигини асраши муҳимлиги уқтирилмоқда.

Мутахассисларнинг айтишича, 2024 йил якунига қадар етмиш мингга яқин фуқаро меҳнат миграциясидан вилоятга қайтиши тахмин қилинмоқда. Демак, ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар кўп. Асосийси, хориж-дан қайтган ҳар бир фуқаро билан мулоқот қилиб, имкон даражасида бандлигини таъ-минлаш. Бунинг учун ҳозирданок имконият-ларни ишга солиш зарур.

Акбар ҲОЗИЕВ, журналист



Долзарб мавзу

СЕМИЗЛИК “СЕМИРГАНДА”

аҳолининг асосий қисми соғлом турмуш тарзига амал қилмасликдан азият чекади

Дабдабали тўй қиламиз, қўша-қўша иморат кўтарамиз, машина оламиз ёки борини яхшироғига алмаштириш пайида бўламиз. Бу, албатта, кишини қувонтиради. Демак, яхши яшаймиз, ҳаётимиз тўқис. Бироқ ҳою хаваста берилиб, соғлиғимизга кам эътибор қаратишимизни ҳам инкор этолмаймиз. Овқатланишга жиддий аҳамият бермаймиз. Жисмоний ҳаракатимиз ҳаминқадар.

ЖССТ билан ҳамкорликда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 67 фоизи етарли миқдорда сабзавот ва мева истеъмол қилмайди (400 граммдан кам). Аҳолининг ярами ортиқча вазнга эга бўлса, яна 20 фоизда семизлик аниқланган. Бир кунда истеъмол қилинаётган туз миқдори ўртача 14,9 граммни ташкил қилади. Бу эса ЖССТ тавсия этган кўрсаткичдан 3 баробар ортиқ. Бундан ташқари, аҳолининг 50 фоизи кам ҳаракатда яшайди.

Бундай касалликлар ва асоратларнинг олдини олиш учун, биринчи навбатда, тўғри овқатланишга ҳаракат қилишимиз керак. Албатта, бу алоҳида ёндашув, ҳаракат ва ҳаракат талаб этадиган масала эмас. Бунинг учун ҳар бир одам оиласи билан бирга тўғри овқатланиш тамойилларини ўзига ода қилиб, оилавий удум ва маданият даражасига олиб чиқиши керак. Ҳар бир оиланинг ўз овқатланиш тартиби бўлиши жуда муҳим.

Биринчи навбатда, овқатланиш вақтини аниқ белгилаш зарур. Кун давомида камида 5-6 марта овқатланишга одатланиш керак. Булар: ношушта, иккинчи ношушта, тушлик, кечки чой ва кечки овқат. Овқатни ҳар кун муайян вақтда ейиш мақсадга мувофиқ. Вақтда ейилган овқат яхши ҳазм бўлади ва тўла ўзлаштирилади. Овқатланиш тартибининг бузилиши ошқозон-ичак касалликларини келтириб чиқаради. Ўз вақтда овқатланмай, оч юриш гастрит, меъда ва ўн икки бармоқ ичак яраси каби оғир касалликларга сабаб бўлса, кўп миқдорда қайта-қайта овқатланиш жигар ва ўт йўли, ошқозон ости бези хасталиклари пайдо бўлишига олиб келади.

Киши кундалик ҳаётда жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирувчи муолажалар билан кўпроқ шуғулланса, организмдаги физиологик, биологик жараён фаоллашади. Натижада кайфият кўтарилиб, ишчанлик қобилияти ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Барно ОДИЛОВА,
Соелқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари

Давлатимиз раҳбари жорий йил 21 май кунини Соелқни сақлаш лойиҳалари маркази қилаётган ишлар ва янги таклифлар тақдироти билан танишар экан, жамиятда соғлом турмуш тарзига кенг ёйиш орқали касалликларнинг олдини олиш, одамларда саломатлигига маъсулият қўйиш кучайтириш ҳамда муҳимлигини таъкидлади.

Ортиқча вазн глобал муаммо

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотига кўра, инсон саломатлигининг 20 фоизи наслга, 20 фоизи экология ва иқлимга, 10 фоизи табиёт тизимига, 50 фоизи турмуш тарзига боғлиқ. Овқатланишимиз, кун тартибининг тузилишимиз, жисмоний фаоллигимиз ва зарарли оdatларга муносабатимиз саломатлигимизни белгилаб берувчи омиллардир.

Нима учун бугунга келиб, ҳамма соғлом турмуш тарзи ҳақида гапирмоқда, ортиқча вазн муаммоси жаҳон миқёсига кўтарилди?

Халқаро ҳисоб-китобларга кўра, яқин бир неча ўн йилликда ортиқча вазн муаммоси инсон саломатлигига жиддий хавф туғдириши мумкин. 2030 йилга бориб, дунё аҳолисининг 45 фоизи семирб кетиши эҳтимоли бор.

Семизлик вази ортиши, танада ёғ тўқималари тўпланиб қолиши билан кечадиган хасталик. Уни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар ортиқча калорияли, айнақса, ёғли, қовурилган, углеводга бой ва туз миқдори юқори овқатларни тез-тез ва кўп истеъмол қилиш, шунингдек, камҳаракатликдир.

Ўз навбатида, семизлик инсулет, хавфли ўсма, юрак қон-томир, нафас олиш аъзолари сурункали касалликлар ҳамда қандақ диабет каби юқумли бўлмаган хасталикларни юзага келтириши, баъзан ногиронлик ҳамда эрта ўлимга сабаб бўлиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, юқумли бўлмаган касалликлар 2015 йилнинг ўзига дунё бўйича 40 миллион одамнинг умрига завол бўлди. Бу эса барча ўлим ҳолатининг 70 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистонда эса бундай кўрсаткичнинг 78 фоизи юқумли бўлмаган касалликлар ҳиссасига тўғри келади.

Иккинчидан, овқатнинг истеъмол меъёри белгилаши керак. Бунда истеъмол қилинаётган овқат қуввати сарфланган энергияни қоплаши, оила аъзоларининг ёши, жинси, касбидан келиб чиқиб тақсимланиши зарур. Яъни навқирон ёшда қурилишда ишлаётган йигит билан кекса ота-оналар ёки гўдак фарзандининг овқат таркиби ҳам, адади ва миқдори ҳам ўзига мос бўлиши керак. Истеъмол қилинадиган овқатнинг 60-70 фоизи куннинг энг фаол давригача — кеч соат 16:00 гача еб бўлиниши тавсия этилади. Кечки пайт ейилган овқатнинг ҳазм бўлиши ва организмга сингishi учун камида 2 соат вақт кетади. Шунинг учун ҳам энг кеч тановул қилинадиган овқат уйқудан камида 2 соат олдин бўлиши керак.

Овқат ҳазм бўлиб улгурмасдан ухлашга ётиш айнан ортиқча вазн муаммосига, ёмон хилҳатли ёғларнинг қон томирларидан тўпланишига сабаб бўлади. Яъни семизлик ва атросклероз касалликлари юзага келишини тезлаштиради.

Овқат меъёри, деганда кунлик миқдори ва бир мартали истеъмол меъёри — порцияга ҳам эътибор қаратиш муҳим. Уни кичик порцияларда, шомасдан, кўп чайнаб истеъмол қилиш ҳазм жараёнини оsonлаштиради. Чунки овқатни чала чайнаб, тез истеъмол қилиш орқали тўйганлик ҳисси сезилгунга қадар кўп овқат истеъмол қилиб қўйиш хавфи юқори бўлади. Ошқозон шираси ажралиб улгурмайди, сулак билан яхши аралашмаган таомнинг ҳазм жараёни секинлашади. Натижада ошқозонда оғирлик, юрак оғриғи, нафас олишнинг қийинлашуви кабилар пайдо бўлиши мумкин.

Учинчидан, истеъмол қилинадиган овқат сифат нуқтаси назардан мукамал, ҳар хил ва керакли миқдордаги оксил, ёғ, углевод, минерал модда ва витаминларга бой



2 баробаргача ошиши мумкин. Организмининг сувсизланиши биринчи навбатда, қон айлиши тизими ва буйрақлар фаоллиги бузилишига олиб келади.

Инсон ва табиат: занжирнинг ҳар бир ҳалқаси бебаҳо

Атроф-муҳитга муносабат инсон саломатлигига муҳим ўрин тутди. Гўзал табиат, тоза атроф-муҳит, мусаффо осмон, ям-яшил даладар, зилол сув кўзни қуватиб, дилини яйратади. Манзарага боқиб, кайфият кўтарилади. Касаллик кечингандек, муаммо ўз-ўзиндан ечилгандек одам енгил тортади. Инсоният она табиатга, атроф-муҳитга муттасил таъсир кўрсатади. Биз табиат неъматларидан кундалик турмушимизда фойдаланамиз. Лекин уни исроф қилишга, булғашга асло ҳаққимиз йўқ. Шу ўринда чинқидиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирини бир оз тўхталмоқчиман.

Ўғлим Японияда ўқийди. У мазкур давлатдаги чинқидини махсус контейнерларга тақсимлаш ва олиб кетиш жараёни ҳақида гапириб берганида дастлаб менга бир оз эриш туюлган. Лекин кейинчалик ўзим бу мамлакатта хизмат сафарига борганимда ҳайратга тушдим. Ажаблантиргани, уйлар ёнида одатий чинқиди контейнерлари йўқлиги, аҳолининг ўз хонадонда чинқидини ёнвучан, ёнмайдиغان, ёғоч, шаша, пластмаска, металл каби турларга ажратиб, вақтинча сақлаши, айнақса, озик-овқат қолдигини

кўпайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам озодликка қатъий амал қилиш, она табиатга ҳурматда бўлиш одатий ҳолга айлангани керак. Инсон ва табиат ўзаро ҳамбарбас боғлиқ. Унинг ҳар бир ҳалқаси она замин учун муҳим.

Тез озиш мумкин, фақат... рекламага

Бугун бир одат урфга кирди: ижтимоий тармоқларда 3 кунда бирор хасталикдан буткул халос қилиш, бир ойда 10 килограммгача оздириш, қисқа муддатда яшартириш каби хизматлар таклиф этилмоқда. Албатта, бу текин эмас. Уларга ишониш керакми?

Ҳоҳ эркак бўлсин, ҳоҳ аёл — ёш қари доим гўзал бўлиш, кўркам кўринишни хоҳлайди. Лекин бунинг учун нималар қилишимиз керак? Ийлар давомида йиғилган ёғни жуда тез ва осон, уч кунгина дори ичиш эвазига эритиш ёки жуда катта ваздан ҳеч қандай ўзгариш ва парҳезис халос бўлиш мумкинми? Албатта, мумкин. Фақат рекламада, ҳақиқий ҳаётда эмас. Ортиқча ваздан жуда тез халос бўлиш бошқа касалликларни келтириб чиқариши, тери таранглигини йўқотиб, осилиб қолиши мумкин.

Семизлик бир кунлик муаммо эмас, йиллар давомида шаклланади. Бу ҳолат айрим эндоқрин касалликлар белгиси бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли чиройли реклама қилинган оздирувчи дориларга ишониш эмас, шифокордан маслаҳат олиш керак. Энг асосийси, шифокор касаллик белгисини даволамайди. Сабабларни ўрганиб, бартароф қилиш йўлини излайди ва сиз билан бирга танлайди. Маслаҳат беради. Унга риоя қилиш эса сизнинг танловингиз.

Кишининг ўзини қийнаб қилган кучли парҳезидан кейин йўқотилган вазн жуда тез тикланади. Шунинг учун ҳам овқатланиш тартибига риоя қилиш, таркибининг ўзгариши орқали озиш керак, овқат емасдан эмас, тўғри овқатланиб ва фаол турмуш тарзини юритиш орқали ваздан халос бўлиш фойдали.

Жисмоний ҳаракат фақат мунтазам ва яхши кайфият билан бажарилгандагина самарали бўлади. Шунинг учун турли ижтимоий тармоқлардан номаълум дориларни қиммат нархга сотиб олиб, уларнинг мўъжизавий хусусиятини кутиш ўрнига кундалик спорт билан шуғулланиш ва соғлом овқатланиш тавсия этилади.

Танага тартиб керак

Кун бўйи ўтириб ишлайдиган касб эгалари бор. Улар тушлик ёки бошқа муҳим бирор юмуш билан кўчага чиқмаса, столга деярли михланиб ишлайди. Ёки ярим тунгача ухламай, телевизор ва телефон экранидан кўз узмайдиган одамларни биламиз. Кун тартиби ва ишни биологик режим асосида ташкил қилмаслик ҳам саломатлик қушандасидир.

Конинотдаги табиий ҳодисалар муайян тартиб асосида такрорланади. Хусусан, кўшнинг ҳар кун муайян вақтда чиқиши ва ботиши, йил фаслларининг такрорланиши табиатдаги барча ҳаракат муайян тартибга бўйсунганидан далолат. Инсон ҳаёти ҳам бундан мустасно эмас. Мисол учун, одам танасидаги фаоллик кундузи ортади, кечаси сусяди. Шу боис, иш кунини, дам олиш вақти тўғри режалаштирилган бўлиши шарт.

Киши кундалик ҳаётда жисмоний машқлар, спорт ўйинлари, баданни чиниқтирувчи муолажалар билан кўпроқ шуғулланса, организмдаги физиологик, биологик жараён фаоллашади. Натижада кайфият кўтарилиб, ишчанлик қобилияти ортади. Шубҳасиз, бу саломатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, руҳий оосийшталекни таъминлаш ҳам муҳим. Танамиз, ички аъзолар фаоллиги асаб тизимига бевосита дахлдор. Уларнинг меъёрий фаоллиги руҳий ҳолатимиз, кайфиятимизни белгилайди. Шу маънода ҳудуд ҳудудга жиззақилиб қилмай, яхши нарсалар ҳақида ўйлаб, оқилона фикрлаш, ёмонликлардан тийилиш, нафсга эрк бермаслик, хушфелъл, хушмуомала бўлиш соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш гаровидир.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ичкиликбозлик, кашандалек, гиёҳвандлик сингари зарарли одатлардан тийилиш қатъий талаб этилади. Бу илларнинг соғлиқ ва турмушга зийни билсёрлигини алоҳида таъкидлашга зарурат йўқ. Зеро, бундай кишиларнинг ҳаётга беварқ, кунўтарга яшовчи, ўз соғлиғи ва келажagini ўйламайдиган заиф одамларга айланб қолиши ҳаётда кўп кузатилган.

Бизга берилган неъмат ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, яхши кайфиятда, барқарор ҳаракат билан танамизни чиниқтириб, соғлом ҳаёт кечиртишимиз ҳам мумкин. Агар соғлом турмуш тарзини танласак, кун келди одатда, одат эса воз кечилмас эҳтиёжга айланади. Шундай экан, қандай ҳаёт кечириш — ҳар кимнинг ўз танлови.

Спорт

ЗОМИНДАН ПАРИЖГА ЭЛТАДИГАН ЙЎЛ

Мактабда спорт тўғрисида очилгани ҳақидаги хабар бир зумда қишлоққа тарқалди. Эртаси кун ташдан сўнг бувиси Озодани қўлидан ушлаб, тўғараққа олиб келди. Шу-шу бувиси қизчанинг спортдаги биринчи муваффақиятларига шерик бўла бошлади.

Бир неча ойлик машгулотлардан сўнг маҳорати анча ошиб қолган Озода устози Музаффар Ҳамроқуллов илк мусобақага олиб боришини айтганидан сўнг янада шиддатли шуғуллана бошлади.

Кутилган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Кетма-кет ютуқлар уни финалга олиб чиқди. Аммо нисбатан тажрибали рақибга имкониятини бой бериб, кумуш медаль билан тақдирланди. Илк мусобақадаги муваффақият Озодани қанчалек руҳлантиргани ўзини маълум. Кўксидан медални маҳкам ушлаганига уйига кириб бораркан, дастлаб буволига кўрсатиб, мақтанди. Набирасининг ютуғидан унинг кўнгли тоғдек юксалди. Шу кун уларнинг уйда байрам бўлди.

Шундан сўнг Озоданинг спортдаги натижалари юришлари бошланди. Аввал туман, сўнг вилоят миқёсидаги мусобақаларда зафар қўчди. Республика биринчи-

лигидаги илк иштирокидаёқ олтин медални кўлга киритди.

Жиззахнинг Зомин туманидаги Ём қишлоғида туғилиб, шу жойда шуғулланган юрган бу нотаниш қизнинг кутилмаган галабаси кўпгина тенгдош чемпионларни довдиратиб қўйди. Оддийгина, камтарин спортчи қизни назарга илмасликнинг оқибати қолганларни доғда қолдирди. Кейинги турнирларда эса унга хавотир ила энг кучли рақиб сифатида қарайдиган бўлиши. Олдинлари унчалик эътибор қилмайдиганлар энди унга ҳурмат кўрсата бошлади.

У ўрта мактабни битиргунга қадар бир қанча мусобақаларда галаба қозонди. Олти қарра Ўзбекистон чемпионлигига эришти. Шундан сўнг таъкивондо бўйича мамлакат тарма жамоаси аъзоллигига қабул қилинди. Терма жамоа сафида эса натижалари янада юксалиб борди. Жумладан, Осие, жаҳон



чемпионатларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллашга йўл очилди. 2018 йилда ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш, 2019 йил тенгқурлари

орасидаги қитъа биринчилигида бронза медал соҳибасига айланди. “Ханчжоу-2022” Осие ўйинларида аралаш жамоавий дастурда бронза медалга эга бўлди.



— Илк бор спорт тўғрисидаги буюм етаклаб борганида ҳеч бир иккиликсиз машгулотларга киришиб кетганман, — дейди Озода Собиржонова. — Ҳозир нега айнан таъкивондо билан шуғулланганим сабабини кўп сўрашди. Ростини айтганда бўлсам, ўша пайтда қишлоғимизда бошқа спорт туридан тўғарақ бўлмаган. Устозимиз ўзи ташаббус кўрсатиб, мактаб спорт залда қишлоқ болалари учун тўғарақ очганди. Катталар ёрдами билан қизиқиб кетганим. Ўша илк марта мусобақада финалда ютқузиб қўйган пайтимизда олти бўлсам-да, ўз олдими катта максалларни қўйгандим. Келгусида жаҳон спорт ареналарида юксак марраларни забт этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан, дегандим, орзум амалга ошмоқда. Тўғри, гоҳида гоҳи

бўламиз, баъзида мағлубиятга учраймиз. Лекин ҳеч қачон нолимасликка, ёшларга яратилган кенг имкониятлардан фақат эзу истаклар рўёби учун унумли фойдаланишга интилиб келмоқдаман. Энг муҳими, ҳар бир спортчи орзу қилгани каби мен ҳам ўз мақсадим сари дадил одимламоқдаман. Яқинда Олимпиада йўланмасини қўлга киритдим. Албатта, осон бўлгани йўқ. Бунинг учун катта босқичларни босиб ўтдим. Айнақса, кучлилар орасидан сараланиб чиқишнинг ўзи бўлмасди. Бу мураббийларнинг заҳматли меҳнати ва чин дилдан олдинга интилигани ҳамда биз учун шарт-шароитлар яратиб берилгани натижаси, деб биланам. Бунинг учун мураббийларим олдинда доим таъзимдаман.

Жорий йил Хитойнинг Тянь шаҳрида ўтган Осие турниридаги муваффақиятли иштироки орқали таъкивондо WT спорти бўйича -67 килограмм вазн тоифасида “Париж-2024” ёзги Олимпиада ўйинлари йўланмасини қўлга киритган Озода Собиржонова ҳозир миллий терма жамоа сафида тажрибали мураббий Жасур Бойқўзиёв қўл остида ҳозирлик кўрмоқда.

Францияда бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига санқоли кунлар қолди. Бутун дунё кутаётган энг нуфузли мусобақа жорий йилнинг 26 июлидан 11 августига қадар бўлиб ўтади. Озодахон каби спортчиларимизга омад тилаб қоламиз.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Миллат фидойилари

XX аср дунё ҳамжамиятида миллий истиқлол тафаккурининг шаклланиши, мустақил давлатчилик тамойилларининг устуворлик касб этиши, ер шарининг турли ҳудудларида муамлакачилик тизимининг барбод бўлиши натижасида халқларнинг миллий ўзлигини англаши том маънода янги босқичга кўтарилгани билан инсоният тарихида ёрқин из қолдириди. Бинобарин, миллий ўзликини англаш ҳар бир халқ, миллат учун уларни буюк мақсад йўлида бирлаштирувчи умуммиллий ҳаракат ҳисобланади.

Жадиғ ўғити:


“ЮРТ ОБРЎСИН ЁШЛАР САҚЛАР”



Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори

Жадиғлар янги услубдаги мактаблар очиб, ватан тарихини, шарқона тарбия усулларини, бетақдор қадриятларини ўзида тўлиқ қамраб олган дарсликлар яратишни энг муҳим, долзарб масала, деб билди. Мунавварқори 1901 йилда Тошкентда дастлабки “Усули жадиғ” мактабини очди. Ҳамда барча шу каби илм масканлари учун “Адиби аввал”, “Адиби соний” каби алифбо ва хрес-томатиялар, “Тавжид ал-Қуръон” (“Қуръон қироати”), “Ер юзи” (“География”), “Усули ҳисоб”, “Тарихи қавм турк”, “Тарихи исломия” сингари қўлланмалар тузади. Жадиғ мактабларини кўпайтириш, жамиятда уларнинг нуфузини оширишга етакчилик қилди. У яратган дарсликлар 1901-1917 йиллар ора-сида қайта-қайта нашр этилди. Бу китоблар ҳар сафар яшн тезлигида тарқалар, уларни сўраб келувчиларнинг охири кўринмасди.

учун курашган маърифатпарварлар сафида бўлди. 1917 йили ҳам “Нажот” газетасини нашр эттирди, ҳам Аҳмад Заки Валий то-монидан чоп этилган “Кенгаш” журнали тахририятини бошқарди. У ўз мақолаларида инсон эркини поймол қиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммоларни да-диллик билан ўртага ташлади. Тошкентда маҳаллий ёшлардан тузил-ган “Жадиғлар тўдаси”нинг асосчиларидан бири ҳам Мунавварқори эди. Улар асосий эътиборни халқ фарзандларининг илм оли-шига қаратди. 1909 йилда маънавий-ахлоқий таълимнинг янги йўлини кўрсатди. Улар ниҳоятда оғир ва мураккаб бир тарихий вазиятда миллий истиқлол, миллий маънавият учун курашни ҳаётларининг мазмунига айлантирди.



Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931)


Жадиғшунос олим Бойбута Дўстқороевнинг фикрича, “Миллий зулмдан қутулиш учун озодлик кураши асосий ҳодиса ҳисоб-ланади. Эрк, озодлик, мустақилликка феода-л қолоқлик, жаҳолатдан қутулгандагина эри-шиш мумкин бўлган. Бунинг учун жамиятда мавжуд тузумни тубдан ислоҳ қилиш лозим бўлиб, буни амалга оширувчилар қотиб қол-ган, даққи кучларга, яъни “қадим” (эски) ларга қарши турувчи “жадиғ” (янги)лар сифатида майдонга келди. Шу бонс, жадиғ-лар Мисрда ҳам, Туркияда ҳам, Туркистон-да ҳам сиёсий оқим сифатида пайдо бўлди. Тўғри, уларнинг шаклланиши, тараққи-и топганлик даражаси бир хил эмас эди. Чор Росияси томонидан босиб олинган ўлка-ларда ҳам XIX аср охирига келиб миллий озодлик ҳаракати охири-оқибат жадиғларни тарих сахнасига чиқарди. Миллий истибод занжирига тушган халқ ва элатлар қудратли империя чангагидан фақат бирлашиб ҳара-кат қилгандагина қутулишлари мумкин эди. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни уйғо-тиш, миллатнинг ўзлигини англаб етишуви-га эришиш лозим эди”.

Асосий мақсадни амалга ошириш учун, энг аввало, миллий маънавиятни, миллий қадриятларни асраш, уларни ривожланти-риш ва оммалаштириш ниҳоятда муҳим эди. Улар мамлакатни озод, халқни миллий зулм ва қолоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифат, деб билди ва шу йўлда фидоко-рона курашди. Мунавварқори халқнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини, миллий ўзлигини англа-ши, озод ва эркин тараққиғи қилиш гоёлари шаклланиши учун ёшларнинг илм олиши шарт эканлигини қайта-қайта уқтирарди.

Олим жадиғчилик йўналишидаги барча илгор гоёларга етакчилик қилди. Туркистон-даги театрчилик ишлари йўлга қўйилишида сайланади. Олимнинг саъй-ҳаракати билан 1918 йил 2 июнда дорилмуаллимин иш бошлади, мазкур муслмон дорилфунуни бўлажак давлат университети — ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети учун ил-мий-педагогик пойдевор вазифасини ўтади. Унда она тилидан Мунавварқори, Абдурауф Фитрат ва Каюм Рамазон, арифметика ва не-мис тилидан Камол Шамси, санъатдан Абду-рахмон Исмомов ва бошқалар дарс берди.

Кўкдан булут ёмғир сочар, сувлар оқар, ўтлар ўсар, Қушлар учар, озиқ излар, бутун дунё тинмай ишлар. Сиз ҳам туринг, эй ўртоқлар, Юрт обрўсин ёшлар сақлар.

Муаллиф жамиятнинг барча аъзолари билан баҳсга киришади. Ёшлардаги лоқайдлик, ялқовлик уни изтиробга солади. У мушоҳада ва таъсирчанлик қобилияти ўткир ижодкор. Қайси жанрда ёзмасин, унинг сатрларида курашчанлик гоёлари, эрк, озодлик, миллий ўзлик, илмпарварлик, бағрикенглик, юртга садоқат, миллий гуруҳ туйғувлари ёғдула-ниб туради. Юрт обрўсини сақлайдиган, унинг шухратига шухрат қўшадиган ёшлар-ни гўдақликдан, яъни бешикдан китобга, илмга муҳаббатли қилиб ўстириш шарт.



Абдулла Авлоний билан бирга фидойиллик кўрсатди. 1913 йилда яратилган, 73 бандан иборат “Турон” жамияти низомида ҳам театр санъати алоҳида таъкидланган. Кейинчалик жамият қошида “Театр ҳаваскорлари труппа-си” ташкил топгани миллат маънавиятининг юксалишида янги саҳифа очди.

Истиқлолгача мавжуд бўлган ўзбек тили грамматикасида сўз туркумлари мустақил ва ёрдамчи сўз туркумлари тарзида ўрганил-ган. Мунавварқори раҳбарлигида яратилган дарсликда бундай бўлишни йўқ, “Ўз бошли сўзлар” деб ажратилган тизимга сифат, сон, олмош, феъл каби сўз туркумлари ва улар-нинг турлари киритилган. Тавсия этилган от ва унинг турлари ҳозирги она тилимизда ҳам бор. Отларнинг ясалишида эса унинг бешта тури берилиши фарқ қилади. Сифат сўз туркумида 6 тур келтирилган ва ҳо-зирги дарсликларда улар алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлинган ҳолда берилган. Сон ва олмош сўз туркумлари 7 тури мав-жуд ҳамда уларнинг шу турлари грам-ма-тикасида келтирилган, аммо номланиши фарқланади. Дарсликда феъл сўз туркумига кўйилган таъриф беради: “Бир киши ёки бир нарсанинг ишини ё ҳолини билдиради-ган сўз “феъл” деб аталади.”

“Ахлоқ дарслари” туркуми ичма ҳаётий ҳикоялардан иборат. “Мактаб” ҳикоясида муаллиф шундай дейди: “Болалар туғулуб, олти-етти кунлик бўлганларида оналари бе-шикка солурлар. Кеча ва кундуз тинмасдан ҳаракат қилуб, кўкрак сутлари ила тарбия қилурлар. Қачонки, болалар олти-етти ёшга етсалар, мактабга берурлар. Мактабда муал-лим ва халфалар кўкрак кучлари ила тарбия қилурлар. Бунга қараганда, мактаб болалар-нинг иккинчи бешиклидур”.

Туркистон жадиғлари маънавият ва маъ-рифатга, илм-фанга интилиш миллатнинг энг олий мақсадига айланишини орзу қилар-ди. Бу мақсад йўлида улар ўзларини қўрбон қилишга ҳам тайёр эди. Президентимиз XX аср бошида ўзбек миллатини нур ва зиёга бурқаш ниятида фидойиллик кўрсатган маъ-рифатпарвар олимлар фаолиятига юксак баҳо берди:

“Жадиғлар томонидан ташкил этилган янги усулдаги мактаблар, театр, кутубхона ва музейлар, газета ва журналлар, Туркистон фарзандларини чет элларга ўқиб юбориш мақсадида тузилган хайрия жамиятлари халқимизни неча асрлик фағлал уйқусидан уйғотди, миллий озодлик ҳаракати учун беқисс куч берди”.

Мунавварқори бадий ижод билан бир қаторда вақтни мағбуотга ҳам жуда қизиқди. Олим ташаббускорларидан бири бўлган ва 1906 йилда дунё юзини кўрган “Тараққий” газетаси билан ўзбек матбуотининг тамал тоши қўйилди, дейиш мумкин. Худди шу йили олим раҳнамолигида “Хуриш” газета-си чоп этила бошлади. Шунингдек, “Садоий Туркистон” (1914-1915 йиллар)нинг наشري

Жадиғлар матбуот, адабиёт ва санъати ривожлантиришга катта эътибор берди. Уларни маслакдош сифатида бирлашти-риб турган фаолият замирида миллий гу-руҳ, ўзликини англаш, ўтмишини ўрганиш, маданий аънаваларни ёш авлод онгу шуу-рига синдириш масаласи устуворлик қил-ди. Мунавварқори “Ялқовлик ёвмизидур” шеърида ёшларга шундай мурожаат қилади:

Болалар жуда интилувчан бўлади. Бор-лиқдаги ҳамма нарса қизиқтиради. Уларни болаликнинг иккинчи бешиги — мактабга шу қизиқиш ва интилиш етаклаб боради. Мактаб боланинг теварак-атрофдаги ҳаётини, табиат ҳодисаларини ва кишилар ўртасидаги муносабатларни англаб олишига, китобни севишига, эртанги кунга ишонч билан яша-шига, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига ёрдам бериши зарур.

Мунавварқори инсонни улғайтирувчи ҳар икки бешикнинг ўрни ва аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини таъкидлайди: “Аваллиги бешик-да болаларга оналари сут эмзиб, танларини ўстурурлар. Иккинчи бешикда муаллимлар илм ва одоб ўргатуб, ақл ва фикрларини ўсту-рурлар. Болалар учун танинг саломатлиги лозимдур. Аммо ақл ва фикрнинг саломатлиги ундан ортироқ лозимдур”.

Миллий онгни уйғотиш ҳам, миллий ўз-лик туйғусини синдириш ҳам бешикдан бошланади. Оила — миллий қадриятларни асраб, авлоддан-авлодга олиб ўтувчи манба сифатида ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Оила куриш — инсонлар орасидаги ижтимоий муносабатдир. Оила ва мактаб ҳамкорлиги ҳам ҳаётдаги турли ижтимоий ҳодисалар ҳамда инсоният турмуши ва ке-лажаги билан уйғунликда ривожланади. Бу муносабатларнинг давомийлиги, мустаҳкам-лиги жамият мустаҳкамлигини белгилайди. Зеро, “Аваллиги бешикда сут ва таом беруб

Кўзголингиз, эй ўртоқлар! Келди бизга ишлаш чоғи, Биз барчамиз ёш ичимиз, ишхонамиз — мактаб боғи. Туринг, тезроқ иш бошлайлик, Ялқовликни биз ташлайлик!

Миллий онгни уйғотиш ҳам, миллий ўз-лик туйғусини синдириш ҳам бешикдан бошланади. Оила — миллий қадриятларни асраб, авлоддан-авлодга олиб ўтувчи манба сифатида ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Оила куриш — инсонлар орасидаги ижтимоий муносабатдир. Оила ва мактаб ҳамкорлиги ҳам ҳаётдаги турли ижтимоий ҳодисалар ҳамда инсоният турмуши ва ке-лажаги билан уйғунликда ривожланади. Бу муносабатларнинг давомийлиги, мустаҳкам-лиги жамият мустаҳкамлигини белгилайди. Зеро, “Аваллиги бешикда сут ва таом беруб

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ҚИЙШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1895. 44065 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов Мусахҳиҳ: Шерзод Маҳмудов Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 85-уй